## «МАКТАБ ОЙЛАРИ»

Пешку туманида май ва июнь ойлари «Мактаб ойлари» деб эълон қилиниши яхши самара берди. Бу кўпгина мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини жонлантириб юборди. 15-ўрта мактаб оталиқ ташкилот—хўжаликлараро ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш корхонаси (раҳбари Дониёр Орипов) ёрдамида 21 та синф хонасини ўқув йилига тахт қилиб қўйди. Бу ишда ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари жонбозлик кўрсатишди. Тумандаги 20,32 ва 36-мактабларда ҳам таъмирлаш ишлари қизғин бораяпти.

**Собиржон ҚОДИРОВ.**

## ХАЙРЛИ ЮМУШ

Зиёдулла Асраев кўп йиллардан бери Хатирчи туманидаги 156-автокорхонада моторчи вазифасида ишлаб келаётир. Моторчи ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл оғзига тушган. У туман ва вилоят халқ суди маслаҳатчиси. Етти фарзанднинг меҳрибон отаси ҳамдир. Кўпгина ёшлар устози бўлган З. Асраев халқ хизматидай хайрли юмуш йўқлигини жуда яхши англаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

**Н. ДЎСТМАТОВ.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 8 июлидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 47,55 |
| 1 Австрия шиллинги | 5,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 107,36 |
| 10 Бельгия франки | 17,62 |
| 1 Голландия гульдени | 32,31 |
| 10 Греция драхмаси | 2,31 |
| 1 Дания кронаси | 9,55 |
| 1 БАА дирхами | 17,32 |
| 1 АҚШ доллари | 63,59 |
| 1 Миср фунти | 18,78 |
| 1 Ирландия фунти | 96,66 |
| 1 Исландия кронаси | 0,91 |
| 10 Испания песети | 4,31 |
| 100 Италия лираси | 3,74 |
| 1 Канада доллари | 46,21 |
| 1 Хитой юани | 7,67 |
| 1 Қувайт динори | 210,35 |
| 100 Ливан фунти | 4,14 |
| 1 Малайзия ринггити | 25,19 |
| 1 Германия маркаси | 36,35 |
| 1 Норвегия кронаси | 8,74 |
| 1 Польша злотийси | 19,28 |
| 10 Португалия эскудоси | 3,61 |
| 1 Сингапуо доллари | 44,34 |
| 1000 Туркия лираси | 0,42 |
| 1 Финляндия маркаси | 12,22 |
| 1 Франция франки | 10,79 |
| 1 Швеция кронаси | 8,26 |
| 1 Швейцария франки | 43,47 |
| 1 ЭКЮ | 71,32 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,72 |
| 10 Япония иенаси | 5,65 |
| 1000 Россия рубли | 11,00 |
| 1 Украина гривнаси | 34,24 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,36 |
| 1 Эстония кронаси | 5,02 |
| 1 Латвия лати | 110,78 |
| 1 Литва лити | 15,90 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,84 |
| 1 Қирғизистон соми | 3,68 |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

## ДОРИ-ДАРМОН КОРХОНАСИ

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Геофизика» қўрғонида «Тошфарм-Американ интернейшнл» Ўзбек — Америка қўшма корхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Бу корхона томирлар ичига юбориладиган воситалар ишлаб чиқаради.

## КЎРИК ЯКУНЛАНДИ

Хоразмда «Ўзбекистон қўшиқ байрами» вилоят кўрик-танловини ўтказиш катта тантанага айланиб кетди. Кўрик-танловда ватанимизни, унинг истиқболи ва истиқлолини мадҳ этган қўшиқлар янгради. Хор ижроси бўйича Хива тумани 12-болалар мусиқа мактаби хор жамоаси, Академик ижроси бўйича М. Харратов номидаги мусиқа билим юрти ўқитувчиси Р. Аҳмедов, вокал эстрада ижроси бўйича Хонқа туманидаги «Дилором» ашула ва рақс дастаси хонандаси Б. Раҳмонов ғолиб деб топилдилар.

Ғолиблар тақдирландилар ва кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

**Н. ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти бўйича мухбир.**

*Машриқзамин дарғалари*

# АЛ — ФАРҒОНИЙ МАЪРИФАТИ

***Кўҳна Фарғона жаннатмакон Ўзбекистоннинг энг гўзал водийларидан бири бўлиб, ўзининг табиати, иқлими, географик ўрни ва аҳолиси билан ажралиб туради. Ери ҳосилдор ва аҳолиси меҳнаткаш бу ўлка асрлар давомида ажойиб олимлари ва шоирлари, хаттотлари, меъморлари, мусиқашунослари ҳамда ҳунармандлари билан эътиборга тушиб келган.***

— Ўрта асрларда бу жаннатмакон диёрдан машҳур олим ал-Фарғоний етишиб чиқди. Олимнинг тўлиқ номи — Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир ал-Фарғонийдир.

У IX аср бошларида туғилиб, 860-870-йиллар орасида вафот этган бўлса керак. Ўз она юрти Фарғонадан қачон ва неча ёшда бош олиб кетгани ҳам фанга маълум эмас. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, IX асрдан бошлаб, яъни араблар истилосидан сўнг водийнинг сиёсий ва маданий маркази бўлган Ахсикентда туғилган дейиш мумкин. (Ҳозирги Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ҳудудида). Маълумки, ўрта асрлардаги мусулмон анъаналарига кўра, мамлакатнинг пойтахти ёки бош шаҳри мамлакат номи билан ҳам айтилган. Шунга кўра, «Фарғона» водийсининг бош шаҳри Ахсикат ҳам Фарғона деб аталган.

Бинобарин, Туркиялик сайёҳ ва олим Ёқут Ҳаммавий ўзининг «Шаҳарларни тасвирловчи китоб» («Муъжал ул булдон») асарида ёзишича, «Фарғона кенг ер, унга қарашли шаҳар ва қишлоқлар ҳам катта, унинг шаҳри Ахсикентдир. Шаҳарга олимлар, фозиллар, илм-фаннинг порлоқ юлдузлари, қўли гул ажойиб бинокорлар, хуллас, 70 хил ҳунарнинг соҳибкор кишилари тўпланган», — деб бежиз ёзмаган. Ана шу олимлардан бири риёзиёт, астрономия ва жуғрофия илмининг ажойиб намоёндаси шубҳасиз, ал Фарғонийдир.

Баъзи тарихнавис олимларнинг фикрича, 819 йилда Фарғоний ўз она юртини тарк этиб, Илмий ишларини давом эттириш мақсадида ўша даврда илм-фан марказига айланган Боғдодга йўл олди. Фарғоний 841 йилдан Боғдод расадхоналарида ишлай бошлади. Бу вақтда Фарғоний бошлиқ олимлар ҳайъати ернинг думалоқлигини ва меридиани (доираси) ҳақидаги қарашларни илмий асосда исботлаб берадилар. Бу қарашлар ҳанузгача ўз илмий қийматини йўқотмай келяпти. Ана шу фикрлар «ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари» асарида баён этилган.

Фарғоний геодезияга доир китоблар, жумладан, «Ал-Комил фил Устурлоб» (Устурлоб тўғрисида мукаммал маълумот) ва «Фи саноат ул-Устурлоб» (Устурлоб санъати тўғрисида») ва «Етти иқлим» ҳамда астрономияга доир каттагина «Жавоми илм ан нужум вал ҳаракат ас-Самовия» деган китобларини ёзган. Бу китобда осмон ва юлдузлар тўғрисида, уларнинг ҳаракати ва туркумлари тўғрисида умумий маълумотлар берилган. Улар ўрта аср Европасида машҳур бўлиб, узоқ вақт ўқув юртларида қўлланма вазифасини бажарган. Бу асар Улуғбек томонидан ҳам мутолаа қилиниб, юксак баҳоланган.

Бу асарни XII асрдаёқ кремоналик Герардо лотин тилига таржима қилиб, бутун Европага ёйди. XIII асрда Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинди. Қарийб XV асргача бу асар асосий астрономия дарслик китоби сифатида фойдаланилди. 1669 йилда эса голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус Амстердамда китобнинг арабча ҳам лотинчасини ёнма-ён нашр этиб яна ал-Фарғоний (европача Альфралганус) номини машҳур этди. Ҳатто, итальян адиби Дантенинг «Илоҳий комедия»сида ҳам улуғ Альфралганус номи тилга олинган. 1464 йилда Падуя шаҳрида Фарғоний тўғрисида маърузалар ҳам ўқилган. Умуман, Альгоритми (номи Ал-Хоразмий) Альфралганус (ал-Фарғоний) шарқ мамлакатларидан кўра Ғарбда — Европа мамлакатларида кўпроқ машҳур бўлиб қолган эди, деган фикрлар ҳам бор.

Фарғонийнинг астрономик асарида географияга доир қисмлар анчагина. Уларда иқлимлар ва мамлакатларнинг жойлашиши тасвирланган. Агар олимнинг геодезия, картография ва ер юзи географияси соҳасидаги асарларини жам қилсак, яхлит бир географик оқим кўринади. Шунинг учун ҳам, академик И. Ю. Крачковский Фарғонийни «Ўртаосиёлик астроном ва географ» деб атади.

Ал-Фарғоний Птоломейнинг астрономик асари «Алмажисти»га изоҳлар ва иловалар ёзгани, ўз асарида Ислом календарининг тузилишини таърифлагани, қуёш соатини ясаш усулини баён этгани ҳам маълум.

Фарғонийнинг хизматларидан яна шуларни айтиш керак: 861 йилда у ал Мутаваккилнинг буйруғи билан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчовчи асбоб тузатиш ва ўрнатиш учун Фустот (ҳозирги Қоҳира) шаҳрига борган.

Шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов ал-Фарғонийни 861 йилда Мисрга бориш сабабларини шундай таърифлайди: «Маълумки, ал-Маъмун Марвдан Боғдодга олимлар билан бир қаторда ўзининг шахсий навкарлари бўлган турк аскарларини ҳам олиб келади. Ана шу турк аскарлари орасидан йирик лашкарбошилар тайинланади, улардан бири асли Бухоролик бўлган Тўлунбек эди. Тўлун Сурия, Фаластин ва Мисрнинг ҳарбий амири этиб тайинланади. Унинг ўғли Аҳмад ўзини Сурия ва Мисрнинг мустақил амири деб эълон қилади ва тўлунийлар сулоласига асос солади. Ал-Фарғоний ҳам Тўлун каби Мовароуннаҳрлик бўлгани учун худди ал-Хоразмий ал-Маъмуннинг маслаҳатчиси бўлганидек, эҳтимол, Тўлуннинг маслаҳатчиси бўлган. Бу ҳолда ал-Фарғонийнинг Мисрда пайдо бўлиши таажжуб туғдирмайди.

Шарқшунос олим Ашраф Аҳмедов ал-Фарғонийнинг ижоди ҳақида гап юритиб, агар ал-Маъмун билан бирга Марвдан келган олимларга тенгқур десак, у ҳолда 819 йиллар атрофида ал-Фарғоний қарийб 30 ёшларга тўлади. Демак, у тахминан 790 йили туғилган, дейиш мумкин. 861 йилдан кейин Фарғоний номи манбаларда эслатилмайди. Бу эса у мазкур йилдан бир оз ўтиб, 865 йилга яқин вафот этган, деган тахминга олиб келади. Демак, ал-Фарғоний қарийб 73 йил умр кўрган.

Ал-Фарғонийнинг номи шарқда машҳур бўлган. Шарқ олимларидан ибн ал-Надим (X аср), ибн ал-Ҳифтий (XII аср), Абул Фараз (XIV аср) ва Ҳожи Халифа (XVII аср) ўз асарларида ал-Фарғонийнинг номи ва асарларини ҳурмат билан эслатиб ўтдилар.

Деламбер, Броккельман, Зутер каби европа олимлари ҳамда Крачковский, Юсуневич, Розенфельд каби рус олимлари ал-Фарғоний ижодига юксак баҳо бердилар. Ҳозирда ал-Фарғонийнинг китоблари, қўлёзмалари дунёнинг кўплаб машҳур кутубхоналарида сақланмоқда. Масалан, Берлин, Лондон, Машҳад, Париж, Теҳрон, Ҳиндистон, Қоҳирададир.

Ал-Фарғоний асарлари ва илмий хизматлари жаҳон илму-фани дурнонасига битмас-туганмас хазина бўлиб қўшилган. Унинг асарлари фанимиз тараққиётини ўрганишда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

**Эркинжон МИРЗААЛИЕВ,
НамДУ доценти, тарих фанлари номзоди.**



**Тарихимизнинг мангу обидаларидан бири.**
**Н. АЛМУРОДОВ фотолавҳаси**



Бухоро вилояти Қизилтепа туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш намунали йўлга қўйилган. «Зилола» корхонаси эса ана шундай илғор жамоалардандир.
**Суратда: Жамоа корхонасининг «Дилором» цехини тикувчиси Нилуфар Салимова.**

# Шарқ тароналари янграйди

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, урф—одатларимизни тиклаш, тарихи минг йилларга бориб тақалувчи нафис мусиқа санъатимизнинг ноёб намуналаридан тингловчиларни кенгроқ баҳраманд этиш, уларни келгуси авлодларга етказиш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир халқ аввало ўзининг миллий санъатини (мусиқада ҳам, қўшиқчиликда ҳам, амалий, миниатюра, тасвирий санъат соҳаси ва ҳунармандчиликда ҳам) асраб—авайлаши, ривожлантириши, бойитиши лозим. Дунё миқёсида ўзлигини намоён этишда бунинг аҳамияти бекиёсдир. Бунга қўшимча тарзда бошқа халқлар санъатини ўрганиш, нур устига нурдир. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ барча соҳада бўлгани каби санъат борасида ҳам ўзлигимизни тиклашга, миллий санъатимизни жаҳон узра кўз—кўз этишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Бу табиийки, маънавият, маърифат билан, маданият билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам юртбошимиз бу масалалар тараққиёти учун хизмат қиладиган, соҳа мутасаддилари учун дастуриламал бўладиган бир неча фармон ва қарорларга имзо чекдилар. Буларнинг ҳаммаси тарихий ҳужжатлар бўлиб, уларда маданий ҳаётимизнинг, маънавий фаолиятимизнинг муайян соҳасини ривожлантиришнинг йўл—йўриқлари аниқ белгилаб берилгандир.




Шулардан бири Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида» ги Қарори мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, урф—одатларимизни тиклаш, мусиқа санъатимизнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилишда дастуриламал бўлмоқда. Қолаверса, бошқа халқлар санъатини ўрганиш қаторида, ўзбек миллий санъатининг жаҳон узра намоён этилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳар икки йилда бир марта Самарқанд шаҳрида, биринчиси эса шу йилнинг 25 августидан 2 сентябригача ўтказилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Фестивал учун Самарқанд шаҳрининг белгиланишининг сабаби бу шаҳар ер юзининг сайқали деб ном олган. У ердаги осори—атиқлар неча—неча асрлардан бери дунё халқларининг диққатини жалб этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Самарқандни Шарқ тимсолларидан бири дейиш мумкин, деган эди Президентмиз. Айниқса мустақилликка эришганимиздан бери Самарқанд шаҳрини қайта таъмирлаш ишлари авж олган. Хусусан, Мирзо Улуғбек ва унинг бобоси Амир Темур ҳазратлари юбилейлари муносабатлари билан шаҳарда бажарилган бунёдкорлик, ободончилик ишллари ҳайратланарлидир. Қолаверса, мазкур фестивални ўтказиш ташаббускорлари ва муассисларидан бири Самарқанд вилояти ҳокимлигидир. Шунинг учун ҳам Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари ҳозирда авж олган паллада. Шаҳар жамоли кундан—кун кўркамлашиб, ободонлашиб, йўл—йўлакчалар чирой очмоқда. Жумладан, Регистон майдонида, Яшил театрида, театр мадонларида, Нодирабегим мадрсасида, истироҳат боғларида йирик томоша саҳналари қайта таъмирланмоқда, янгилари қад кўтармоқда. Бастакорлар, мусиқачилар шу кунларда миллий асарлар устида ишламоқдалар. Айниқса, Булунғур туманидаги «Ёшлик», Ургут туманидаги «Беш қарсак», Каттақўрғон туманидаги «Зарафшон», Пахтачи туманидаги «Оқ олтин» каби ашула—рақс даста жамоалари ушбу анжуман учун катта тайёргарлик кўрмоқдалар. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш учун Самарқанд шаҳрида Самарқандга хос бўлган миллий саҳна либосини яратиш борасида кўрик—танлов эълон қилинган. Ушбу кўрик—танлов якунланиш арафасида. Самарқанд вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари фестивални аъло даражада ўтказилиши учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари анжуман кунлари Самарқандда амалга оширилган ишлар мисолида истиқлол халқимизга нималар берганидан огоҳ бўладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур фестивал ЮНЕСКОнинг халқаро маданият тадбирлари режасига киритилган. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан алоқадор барча вазирлик, қўмита, уюшма, ташкилот ва муассасалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга киришганлар. Фестивалнинг бош дирекцияси тузилмаси тасдиқланди. Узбекистон халқ артисти, истеъдодли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ ҳам ўз ишини бошлаганлар. Фестивал халқаро тоифада бўлгани учун ҳайъат аъзолари ҳам турли мамлакат вакилларидан иборат. Ҳайъатга япониялик таниқли мусиқашунос, Токио университети профессори, дунёдаги, айниқса, Шарқ мамлакатларидаги анжуманларда фаол иштирок этган, Шарқ мусиқий маданияти, хусусан, туркий халқлар санъатининг тарғиботчиси ХАРУМА КАШИБА хоним раислик қилади. Аъзолари таркибида ҳамюртларимиз билан бирга Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Туркия, Франция, Хитой, Ҳиндистон мамлакатларидан мусиқашунослар, машҳур санъат арбоблари бўлади. Қирқдан ортиқ мамкалатдан ижрочилар, санъатшунослар, жамоат арбоблари иштирок этиши кутилмоқда.

Фестивал ғолиблари учун мукофотлар таъсис этилган. Гран При—Бош совринн учун ўн минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти белгиланган.

Ҳар бири 5000 АҚШ доллари миқдоридаги иккита биринчи, ҳар бири 3500 АҚШ доллари миқдоридаги иккита иккинчи, ҳар бири 2000 АҚШ доллари миқдоридаги учта учинчи мукофот таъсис этилган.

**Садбархон ЖЎРАЕВА**

*Халқаро шарҳ*

# НАТО ЭШИКЛАРИНИ КИМГА ОЧАДИ?

***Бугун Испания пойтахти Мадридда Шимолий Атлантика иттифоқи таркибига кирувчи давлатлар бошлиқлари ва ҳукуматлар раҳбарларининг саммити (олий даражадаги учрашуви) бошланади. Унда Ташкилотнинг фаолиятига тааллуқли бошқа долзарб масалалар билан бир қаторда НАТО сафларига янги аъзоларни қабул қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Газетамиз саҳифаларида олдинроқ ёзганимиздек, собиқ СССР парчаланиб, жаҳон социалистик тизими ҳамда унинг ҳарбий таянчи бўлмиш Варшава Шартномаси ташкилоти тарқалиб кетгандан сўнг пайдо бўлган ушбу масала катта ва мураккаб муаммога айланди.***

Бир томондан, мазкур Иттифоққа киришга интилаётган мамлакатларнинг хоҳиш-истаги бўлгани билан, уларнинг ҳарбий-техникавий ва бошқа муҳим жиҳатлардан бунга тайёр эмасликлари аён бўлса, иккинчи томондан, НАТОга ҳеч қачон хайрихоҳлик билан қарамаган Россиянинг қаттиқ қаршилигига дуч келинди. Бунинг боиси шуки, собиқ шўро империясига ярим асрлик қарамликдан қутилган Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ҳозир ҳам кучли армия ва ядровий қурол-яроқларга эга, турли можаролар келиб чиқиши учун замин етарли (Чечениcтон уруши бунга мисол) бўлган Россиядан, тўғрироғи ундаги сиёсий воқеаларнинг ривожи, олдинги тартибларнинг қайта тикланишидан чўчиб, Шимолий Атлантика иттифоқидан паноҳ изласалар, Москва, аксинча, унинг янги аъзоларни қабул қилиш натижасида, ўз чегараларига яқинлашувини ёқтирмайди. Россия раҳбарияти назарида Ғарб янги давлатларни НАТОга қабул қилиб, уни яккалаб қўймоқчи, қитъани янги чегараларда иккига бўлиб ташламоқчи. Маълумки, Борис Ельцин ҳукумати НАТОнинг Шарққа томон кенгайишига йўл қўймаслик мақсадида АҚШ ва Европа давлатлари раҳбариятига сиёсий тазйиқ кўрсатишга уриниб кўрди (чунончи, «совуқ уруш» тикланиши мумкин, деб жар солди), жавоб чоралар кўрилиши билан қўрқитди (Беларусь билан иттифоқ тўғрисидаги битим имзоланишининг тезлашуви шундан далолат беради), дипломатия воситаларини ишга солди (АҚШ, Германия, Франция, Польша, Европа Иттифоқи ва НАТО раҳбарлари билан кетма-кет учрашув ва мулоқотлар), бўлмади. Чунки,Ғарб Шимолий Атлантика иттифоқи демократия ва халқлар озодлигини ҳимоя қилиш учун тузилганлиги ва у ўзининг ушбу асосий қоидасидан чекинмаслигини намойиш қилди. Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатлари ҳам НАТОга кириш ёки кирмаслик уларнинг ички иши эканлигини таъкидлаб, унга аралашишга йўл қўймасликларини билдирдилар.

Бироқ, шундай бўлса-да, Америка ва Ғарбий Европа давлатлари раҳбарлари Россиянинг қитъадагина эмас, балки бутун дунёдаги ўрнини, унинг халқаро жараёнлардан четлашувининг оқибатлари яхши бўлмаслигини ҳисобга олиб, НАТОга янги аъзолар соф ният билан қабул қилинаётганлигига, унинг ҳеч кимга қарши қаратилмаганига Москвани ишонтиришга куч ва имкониятларини ишга солдилар, уни ҳамкорлик қилишга даъват этдилар. Жорий йилнинг 27 майида Парижда имзоланган НАТО — Россия асосий акти шундай сиёсатнинг маҳсули. Унга кўра, Россия ҳукуматининг айрим талаблари (Ташкилотга қабул қилинаётган янги мамлакатлар ҳудудида ядровий қурол-яроғларни жойлаштирмаслик ва бошқалар) инобатга олинган бўлса-да, бош масала — Иттифоққа янги аъзоларни қабул қилиш — ўзгармай қолди.

Аммо, АҚШнинг ўзида ҳам НАТОни кенгайтиришга қарши овозлар эшитилмоқда. Масалан, 25 июнь куни мамлакатнинг 40 дан зиёд машҳур давлат ва жамоат арбоблари — собиқ мудофаа вазири Роберт Макнамара, марказий разведка бошқармаси директори Стэнфильд Тэрнер, АҚШнинг Россиядаги элчилари Пол Нитц ва Жек Метлок, сенаторлар Сэм Нанн, Гордон Хемфри, қурол-яроғлар устидан назорат қилиш юзасидан экспертлар Спаржен Кини, Сьюзенн Эйзенхауэр ва бошқалар президент Билл Клинтонга очиқ хат билан мурожаат этиб, уни Шимолий Анталнтика иттифоқи ташкилоти таркибига янги аъзолар қабул қилиш жараёнини тўхтатишга чақирдилар. Оқ уй маъмуриятининг жавоби бизга номаълум. Ҳар ҳолда, қабул қилинажак ҳужжатни АҚШ конгрессида ратификация қилиш пайтида муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Лекин, нима бўлгандаям Вашингтон ўз йўлидан қайтмаса керак, деб ўйлаймиз.

*Маълумки, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан ташқари қатор бошқа давлатлар (улар орасида Албания ва Молдова ҳам бор) НАТОга интилмоқдалар. Лекин, Иттифоқ аъзолари орасида кимни ва қачон қабул қилиш тўғрисида якдиллик йўқ. Жумладан, Франция Руминияни, Италия Словенияни НАТО таркибида кўрмоқчи. Вашингтоннинг фикрича, НАТОга дастлабки номзодлар — Чехия, Польша ва Венгрия. Бошқа илтимослар кейин (албатта, бирданига эмас) кўрилади. Мадрид саммити Прага, Варшава ва Будапештга ҳозирча таклиф юборади, холос. Уларни қабул қилишнинг ўзи 1999 йилда бўлиб ўтади, чунки ўшангача тегишли ҳужжатларни тайёрлаш, тақдим этиш ва расмийлаштириш лозим.*

*НАТОнинг кенгайишига ҳозир ҳам қарши бўлган Россия Президенти ушбу нуфузли учрашувга қатнашишдан бош тортди. Чунки, унинг тадбирда иштирокини Москванинг мазкур масала бўйича сиёсатининг ўзгариши, деб тушунилиши мумкин. Лекин, НАТО билан Россия ўртасида махсус битим борлиги инобатга олиниб, Мадридга ҳукумат делегациясини юборишга қарор қилинди.*

*Шундай қилиб, сайёрамиздаги энг йирик ҳарбий-сиёсий ташкилот ўзининг эшикларини янги аъзоларга очмоқда.*

*Яхшиликка бўлсин!*

***Собир ҚУРБОНОВ,
сиёсий шарҳловчи.***

## НОДИРБЕК — СТАМБУЛ ОЛИМПИАДАСИ ҒОЛИБИ

Наманганга олис Туркиянинг Стамбул шаҳридан хушхабар келди. Узбек-турк лицейининг ўқувчиси Нодирбек Ҳусаинов ушбу шаҳарда ўтказилган олимпиадада биринчи ўринни эгаллаб, Узбекистонимиз довруғини оламга яна бир марта танитди. Гап шундаки, бу ерда «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» шиори остида ташкил этилган олимпиадага жаҳоннинг 24 мамлакатидан 85 ўқувчи ташриф буюрган эди. Нодирбек томонидан ясалиб халқаро беллашув ҳайъати ихтиёрига ҳавола этилган сув ҳамда атроф-муҳит ҳолатини аниқловчи ускунага мутахассислар юқори баҳо бердилар. Шунингдек, шу соҳа бўйича Хитой, Таиланд, Туркия, Россия, Украина, Словакия, Литва, Латвия, Грузия сингари мамлакатлар ёшлари ўртасидаги савол-жавобида барча тенгдошларини ортда қолдирди. Олимпиаданинг олтин медали ва махсус сертификат билан тақдирланди.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.**

